



АТБ «InFinBank»

«ТАСДИҚЛАНГАН»

АТБ «InFinBank» Акциядорлар умумий
йиғилиши томонидан

Давоми

А.Н. Ахмаджазов

Ф.И.Ш.

Имзо

Сана

(АТБ «InFinBank» Акциядорлар умумий
йиғилишининг 2022 йил «28» июндаги
«54»-сонли Баённомаси)

Рўйхатдан ўтказилган:
ПК № 09 «28» июн 2022й.

Чет эл капитали иштирокидаги «Invest Finance Bank» Акциядорлик-тижорат банки КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

ПК № 09

Хужжат АТБ «InFinBank» нинг мулки ҳисобланади. Сифат бўйича раҳбарият вакили билан олдиндан келишилмаган ҳолда мазкур хужжат матни бутунлигича ёки қисмлар бўйича қайта нашр қилиниши ёхуд Банк ходими ҳисобланмаган учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас. Ҳар қандай ўзгаришлар мазкур хужжатнинг аслига ва фақат назорат қилинадиган нусхаларига киритилади.

МУНДАРИЖА

Ҳужжат тўғрисида ахборот.

Низомда фойдаланиладиган асосий атамалар, таърифлар ва қисқартмалар.

1. Умумий қондалар.....	6
2. Қўлланилиш соҳаси.....	6
3. Ҳаволалар.....	6
4. Мақсад ва вазифалари.....	6
5. Ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	7
6. Жавобгарлик.....	8
7. Банк Кенгаши фаолиятини ташкил қилиш.....	9
8. Сақлаш.....	20
9. Хулоса.....	20
10. Тарқатиш.....	21
11. Танишиб чиққанликни қайд этиш варағи.....	21

Ўзгаришларни қайд этиш варағи

Ўзгаришлар рақами	Ўзгаришлар мазмуни	Тасдиқланган	Амалга кiritилган	Ҳужжатларни бошқариш учун масъул шахс имзоси

Хужжат тўғрисида ахборот:

Хужжат номи	АТБ «InFinBank» Кенгаши тўғрисида Низом
Хужжат шифри	ПК № 09 - 28.06.2022 й.
Хужжат мақоми	04-сонли версия
Махфийлик даражаси	C0 – махфий эмас C1 – ички ахборот C2 – махфий
Масъул шaxс	Корпоратив консультант
Назорат нормаси	Аудиторлик қўмитаси, Таваккалчиликни бошқариш қўмитаси
Манфаатлар тўқнашуви	Комплаенс назорат Департаменти
Аудит	Ички аудит Департаменти
Тасдиқловчи корпоратив коллегиал орган	Акциядорлар умумий йиғилиши

Низомда фойдаланиладиган асосий атамалар, таърифлар ва қисқартмалар:

Банк	Чет эл капитали иштирокидаги «Invest Finance Bank» Акциядорлик-тижорат банки
Акциядорлар умумий йиғилиши	Чет эл капитали иштирокидаги «Invest Finance Bank» Акциядорлик-тижорат банки Акциядорлар умумий йиғилиши
Банк Кенгаши тўғрисида Низом	Чет эл капитали иштирокидаги «Invest Finance Bank» Акциядорлик-тижорат банки Кенгаши тўғрисида Низом
Аудиторлик қўмитаси	Чет эл капитали иштирокидаги «Invest Finance Bank» Акциядорлик-тижорат банки Кенгаши хузуридаги Аудиторлик қўмитаси
Таваккалчиликни бошқариш қўмитаси	Чет эл капитали иштирокидаги «Invest Finance Bank» Акциядорлик-тижорат банки Кенгаши хузуридаги Хавфларни назорат қилиш қўмитаси
Кенгаш Раиси	Чет эл капитали иштирокидаги «Invest Finance Bank» Акциядорлик-тижорат банки Кенгаши Раиси
Кенгаш аъзоси (аъзолари)	Чет эл капитали иштирокидаги «Invest Finance Bank» Акциядорлик-тижорат банки Кенгаши аъзоси (аъзолари)
Ички аудит департаменти	Чет эл капитали иштирокидаги «Invest Finance Bank»

	Акциядорлик-тижорат банки Ички аудит департаменти
Комплаенс назорат департаменти	Чет эл капитали иштирокидаги «Invest Finance Bank» Акциядорлик-тижорат банки Комплаенс назорат департаменти
Кенгаш фармойиши	Чет эл капитали иштирокидаги «Invest Finance Bank» Акциядорлик-тижорат банки Кенгаши Раисининг фармойиши
Кенгаш баённомаси	Чет эл капитали иштирокидаги «Invest Finance Bank» Акциядорлик-тижорат банки Кенгаши йиғилишининг баённомаси
Банк Бошқаруви	Чет эл капитали иштирокидаги «Invest Finance Bank» Акциядорлик-тижорат банки Бошқаруви
Муҳим аҳамиятга эга ходимлар	Бош бухгалтер; Ички аудит департаменти Директори; Таваккалчиликни бошқариш департаменти Директори; Ички назорат департаменти Директори; Ғазначилик департаменти Директори; шунингдек Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Банкнинг муҳим ходимлари тоифасига киритилган бошқа ходимлари.
Йирик битим	Тегишли битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган санада баланс қиймати ёки қиймати Банк биринчи даражали капиталининг 10% (ўн фоизи)дан юқори бўлган битим ёки бир неча ўзаро алоқадор битимлар.

Мазкур Низомда қўлланиладиган, бироқ белгиланмаган атамалардан Банк Уставида ишлатиладиган маънода фойдаланилади.

1. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1.1. Мазкур Низом Банк Кенгаши аъзоларининг макоми ва ваколатларини, ҳуқуқлари, вазифалари, жавобгарлиги, таркибини ва ваколатлари мuddатдан олдин бекор қилинишини, Банк Кенгаши аъзолигига номзодларга қўйиладиган талабларни, шунингдек унинг ишини ташкил қилиш тартибини ва Банкнинг бошқа бошқарув органлари билан ўзаро муносабатларини белгилайди.

1.2. Банк Кенгаши коллегиал бошқарув орган ҳисобланади ва Банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун ҳужжатлари ва Банк Уставида Акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилиш бундан мустасно.

1.3. Банк Кенгаши Банк фаолиятининг хавфсиз ва самарали равишда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Банк фаолияти устидан назоратни амалга оширади, шунингдек Банкнинг тегишли хавфлари назорат қилинишини таъминлайди. Банк Кенгаши аъзолари Банкнинг назорат муҳитига ва стратегиясига мувофиқ Банкда оқилона ва шаффоф корпоратив бошқарув тизими яратилишига кўмаклашишлари керак.

2. ҚўЛЛанилиш соҳаси

2.1. Мазкур Низом талаблари Банк акциядорларига, Банк Кенгаши аъзоларига, Банк Бошқарувига, шунингдек Банкда корпоратив бошқарувни ташкил қилиш жараёнига бевосита жалб этилган шахсларга жорий қилинади.

3. ҲАВОЛАЛАР

3.1. Мазкур Низом қуйидаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган:

3.1.1. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни;

3.1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни;

3.1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни;

3.1.4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низоми;

3.1.5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низоми;

3.1.6. Банк Устави;

3.1.7. ISO 9001:2015 Сифат менеджменти тизими.

4. МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

4.1. Банк Кенгаши фаолиятининг асосий мақсадлари Банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, Банк акциядорларининг ҳуқуқларига риоя қилиш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, Банк Кенгаши фаолиятининг доимий назорат қилишини амалга ошириш, Банк тўғрисида оммавий ахборотнинг тўлиқлиги, тўғрилиги ва объективлигини таъминлашдан иборат.

4.2. Банк Кенгаши фаолиятининг мақсадларини амалга ошириш учун қуйидаги тамойилларга амал қилиши шарт:

4.2.1. Банк фаолияти тўғрисида асосланган ахборот асосида қарорлар қабул қилиш;

4.2.2. Банк фаолиятини бошқаришда иштирок қилиш, дивидендлар олиш ва Банк тўғрисида ахборот олиш учун акциядорлар ҳуқуқлари чекланишларини истисно қилиш;

- 4.2.3. Банкнинг барча акциядорлари манфаатларида акциядорлар турли гуруҳлари манфаатлари баланси ва Банк Кенгаши томонидан максимал объектив қарорлар қабул қилинишига эришиш.
- 4.3. Банк Кенгаши фаолиятининг мақсадларини амалга ошириш учун ўз ваколатлари доирасида қуйидаги вазифаларни ҳал қилади:
- 4.3.1. Банкнинг стратегик мақсадларини ва ривожланиш устувор йўналишларини белгилаш;
- 4.3.2. Банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти самарали назорат қилинишини таъминлаш;
- 4.3.3. Таваккалчиликни бошқариш самарали тизимини ташкил қилиш ва амалга ошириш устидан назоратни таъминлаш;
- 4.3.4. Банкда акциядорлар ҳуқуқларини реализация қилиш, шу жумладан корпоратив низолар олдини олиш ва ҳал қилиш мақсадида амалга ошириладиган мавжуд тартиб-таомилларга риоя қилиниши устидан назоратни ташкил қилиш;
- 4.3.5. Банк Бошқаруви самарали фаолиятини таъминлаш, шу жумладан унинг фаолиятини назорат қилиш;
- 4.3.6. корпоратив қадриятларни тасдиқлаш ва уларни бутун Банк бўйича жорий қилиш;
- 4.3.7. Банк бўйича жавобгарлик ва ҳисобдорликнинг аниқ белгиланган соҳаларини аниқлаш ва улар ижросини таъминлаш.
- 4.4. Банк Кенгаши ўз вазифаларини бажариш учун ўз фаолиятида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратади:
- 4.4.1. Банк самарадорлигини оширишда ўз ҳиссасини қўшиши лозимлиги шarti билан Банк Бошқаруви ваколатли аъзолари ва муҳим аҳамиятга эга ходимлар тайинланишини таъминлаш;
- 4.4.2. Банк сиёсатларини амалга ошириш мониторинги ва баҳоланишини ўтказиш, шунингдек Бошқарув ва Банкнинг муҳим ходимлари фаолияти самарадорлигини ва Банк бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилишини баҳолаш;
- 4.4.3. Банк ва унинг акциядорлари, шунингдек бошқа манфаатдор тарафлар ўртасида самарали алоқаларни таъминлаш;
- 4.4.4. Банк интеллектуал капитали мотивацияси ва ҳимоясини таъминлаш;
- 4.4.5. Банк Кенгаши ваколатлари доирасида Банкнинг юқори раҳбарияти учун лавозимлар ўриндошлигини режалаштириш;
- 4.4.6. хавфларни самарали бошқариш, манфаатлар тўқнашувлари олдини олиш ва уларни ҳал қилиш.

5. ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 5.1. Банк Кенгаши аъзоси қуйидагиларга ҳақли:
- 5.1.1. Банк Кенгаши йиғилишларида иштирок қилиш, ажратилган регламент вақти доирасида йиғилишдаги масалани муҳокама қилиш бўйича сўзга чиқиш;
- 5.1.2. муайян вақт даври учун Банк фаолияти тўғрисида, уни ривожлантириш режалари тўғрисида маълумот олиш;
- 5.1.3. Банк Кенгашида бажарилган иш учун “Банк Кенгаши аъзоларига тўланадиган иш ҳақи ва компенсация тўғрисида”ги Низомда белгиланган миқдорда ва тартибда иш ҳақи ва (ёки) харажатлар компенсациясини олиш.
- 5.1.4. Банк Уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар.
- 5.2. Банк Кенгаши аъзолари қуйидаги мажбуриятларга эга:
- 5.2.1. Банкни битим тузилишида ўз аффилиланганлиги тўғрисида мўлжалланган битим, тегишли шартноманинг муҳим шартлари тўғрисида маълумотлар батафсил кўрсатилган билдириш хатини юбориш орқали хабардор қилиш;

- 5.2.2. Банк корпоратив бошқарувининг ташкилий тузилишини, Банк Бошқаруви функцияларини тушуниш, унинг корпоратив бошқарувдаги ўрнини тушуниш, банк фаолиятига тегишли хавфларни тушуниш, шунингдек корпоратив бошқарув ва менеджмент соҳасида билимга эга бўлиш;
- 5.2.3. Банк фаолиятида фаол иштирок қилиш, унинг фаолиятидаги ва ташқи шароитлардаги жиддий ўзгаришларни кузатиб бориш, шунингдек узоқ муддатли истикболда Банк манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўз вақтида чоралар кўриш;
- 5.2.4. Банк корпоратив маданияти ва кадриятларини шакллантиришда фаол иштирок қилиш;
- 5.2.5. Банк Кенгашининг бошқа аъзолари, Банк Бошқаруви аъзолари ва муҳим аҳамиятга эга ходимлар фикридан қатъи назар, кўриб чиқилаётган масалалар бўйича ўз асосланган фикрини билдириш;
- 5.2.6. Банк ва унинг барча акциядорлари манфаатларида ўзларига юклатилган вазифалар ва мажбуриятларни виждонан ва режали бажариш, ўз манфаатларида ёки алоҳида шахслар манфаатларида ўз ваколатларини сунистеъмол қилмаслик;
- 5.2.7. манфаатлар тўқнашуви пайдо бўлишига олиб келадиган ҳаракатлардан сақланиш, шунингдек Банк Кенгашини манфаатлар тўқнашуви пайдо бўлганлиги тўғрисида дарҳол хабардор қилиш ва уни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш;
- 5.2.8. Банк Кенгаши ва унинг кўмиталари йиғилишларида учинчи шахсга ўз ваколатлари берилмаган ҳолда иштирок қилиш;
- 5.2.9. Банк Кенгашига аъзолик даврида унга маълум бўлган тижорат, банк сирини ва қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа сирни ўз ичига олган маълумотлар махфийлигига риоя қилиш;
- 5.2.10. қонун ҳужжатларида ва Банк Уставида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар.
- 5.3. Банк Кенгаши аъзолари Банк имкониятларидан (мулкӣ ёки номулкий ҳуқуқлардан, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлардан, Банк фаолияти ва режалари тўғрисида ахборотдан) шахсий бойиш мақсадларида фойдаланишга ҳақли эмаслар.
- 5.4. Банк Кенгаши аъзолари, ўз хоҳишларига кўра, Банк Кенгаши таркибидан чиқишлари мумкин. Бунда, Банк Кенгаши тегишли аъзони сайлаш ва ўз таркибидан чиқариш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириб тўғрисида қарор қабул қилади. Банк Кенгаши таркибидан чиқаётган аъзо Банк Кенгашининг навбатдаги йиғилишларида иштирок қилишга ҳақли эмас.

6. ЖАВОБГАРЛИК

- 6.1. Банк Кенгаши аъзолари мазкур Низом ва Банк Уставида назарда тутилган вазифалари бажарилмаганлиги ва/ёки қисман бажарилганлиги оқибатида Банк ва унинг акциядорларига зарар етказгани ёки Банк имиджига салбий таъсир этгани учун жавобгар бўладилар.
- 6.2. Банк Кенгаши аъзолари улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқлиги учун жавобгар бўладилар.
- 6.3. Банк Кенгаши аъзолари амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ, улар томонидан Банк Устави ва ўз мажбуриятлари бузилган ҳолатда, Банкка етказилган зарарлар ўрнини тўлдириш бўйича тўлиқ жавобгар бўладилар. Бунда, Банк ёки жами жойлаштирилган Банк акцияларининг энг камида бир фоизига эга акциядор (акциядорлар) Банк Кенгаши аъзосига нисбатан Банкка етказилган зарарлар ўрнини тўлдириш тўғрисида даъво аризаси билан судга мурожаат қилишга ҳақли.
- 6.4. Бир неча шахслар жавобгар бўлган ҳолатда, уларнинг Банк олдидаги жавобгарлиги солидар ҳисобланади.

6.5. Банкка зарарлар етказилишига олиб келган қарорлар учун овоз беришда иштирок қилмаган ёки бундай қарорлар учун қарши овоз берган Банк Кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайдилар.

6.6. Банк Кенгаши аъзоларини керакли материаллар билан таъминлаш, шунингдек акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро алоқалар ўрнатиш учун Банк Корпоратив консултант масъул ҳисобланади.

6.7. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

7. БАНК КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

7.1. БАНК КЕНГАШИ ВАКОЛАТЛАРИ

7.1.1. Банк Кенгаши ваколатларига қуйидагилар тегишлидир:

- а) Банк Бошқарувининг Банкни ривожлантириш стратегияларига эришиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини доимий равишда тинглаш орқали Банк фаолиятининг устувор йўналишларини аниқлаш;
- б) Банк Акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 65-моддаси ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;
- в) Акциядорлар умумий йиғилиши қун тартибини тайёрлаш, йиғилиш ўтказиладиган сана, вақти ва жойини белгилаш;
- г) Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш ва Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок қилиш тўғрисида хабардор қилиш учун Банк акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- д) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 59-моддаси биринчи қисми биринчи хатбошида назарда тутилган, Банк Уставининг 11.7-банди а) ва у)-кичик бандларида қайд этилган масалаларни Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан ҳал қилиниши учун киритиш;
- е) Банк мулкнинг бозор қиймати белгиланишини ташкил қилиш;
- ж) Корпоратив консултантни тайинлаш ва унинг фаолият тартибини, шунингдек унинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш бўйича харажатлар сметасини белгилайдиган низомларни тасдиқлаш;
- з) қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали Банк Устав капиталини кўпайтириш, шунингдек Банк Уставига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- и) қимматли қоғозларни (акциялар, облигациялар, депозит сертификатлари ва банкнинг бошқа қарз мажбуриятлари) чиқариш, ўзгаришлар ва/ёки қўшимчалар киритиш ва улар эмиссияси проспекти тўғрисидаги қарорларни тасдиқлаш;
- к) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 34-моддасига мувофиқ, акцияларни жойлаштириш (биржа ва ташкил қилинган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорларига чиқариш) нархларини белгилаш;
- л) аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида (мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишдан ташқари), аудиторлик ташкилотини аниқлаш, унинг хизматларига тўланадиган энг юқори ҳақ миқдорини белгилаш ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- м) Банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда, Банкнинг навбатдаги йил учун бизнес-режаси Банк Кенгаши йиғилишида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқланиши керак;
 - н) Банк Бошқарувини ташкил қилиш, Банк Бошқаруви аъзоларини сайлаш (тайинлаш) (бунда, Банк Бошқаруви Раиси Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади) ва уларнинг ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш;
 - о) Банк Раисига ва Банк Бошқаруви аъзоларига, шунингдек Банкнинг муҳим ходимларига тўланадиган мукофот пуллари ва компенсациялар тартибини ва миқдорларини белгилаш;
 - п) дивидендлар тўловлари миқдори, уларни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисида тавсиялар бериш;
 - р) Банкнинг резерв ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
 - с) Банк филиалларини ташкил этиш, шунингдек Банк ваколатхоналарини очиб ва ёпиш;
 - т) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда аффилиланган шахслар билан шартномалар тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
 - у) Банк Бошқаруви фаолиятига тегишли ҳар қандай ҳужжатлардан фойдаланиш ва ушбу ҳужжатларни Банк Бошқарувидан Банк Кенгашига юклатилган вазифаларни бажариш учун олиш. Олинган ҳужжатлардан Банк Кенгаши ва унинг аъзолари томонидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланилиши мумкин.
 - ф) Ички назорат департаменти ва Комплаенс назорат департаментларини ташкил қилиш, ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, раҳбарлари ва ходимларини лавозимга тайинлаш, лавозимидан бўшатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, шунингдек улар фаолиятини ва ҳақ тўлови (иш ҳақи, бонуслар ва ҳ.к.) суммасини баҳолаш.
- 7.1.2. Банк Уставига мувофиқ Банк Кенгаши ваколатларига қуйидагилар ҳам тегишлидир:
- а) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, Банк Уставига ва ички норматив ҳужжатларига мувофиқ Банк Кенгаши ваколатларига киритилган Банк сиёсатлари ва низомларини тасдиқлаш;
 - б) Банк бизнес-режасида белгиланган кўрсаткичлардан юқори хайрия ёрдамини кўрсатиш (ҳомийлик ёрдами, мулкни бепул бериш) миқдорини тасдиқлаш, сўнгра Банк веб-сайтида ушбу қарор тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш;
 - в) Банкда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни амалга ошириш учун танлов асосида мустақил ташкилотни жалб қилиш;
 - г) Банк Бошқарувининг Банк ички тузилиши ўзгаришлари тўғрисидаги қарорларини кўриб чиқиш, шу жумладан бундай қарор қабул қилинганлиги тўғрисида билдириш хати олинганидан сўнг 10 (ўн) иш кунидан кечиктирмай белгиланган тартибда Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Банк ташкилий тузилиши доирасида таркибий бўлинмаларни ташкил қилиш / қайта ташкил қилиш / соддалаштириш;
 - д) Банк Бошқаруви, Ички назорат департаментива Комплаенс назорат департаменти, Банкда ташкил қилинган коллегиял органлар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш ва зарур ҳолларда, Банкни ривожлантириш режалари ишлаб чиқилишини ташкил қилиш ва уларда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб қилиш;
 - е) Банк ташкилий тузилишини ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва унинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини доимий равишда баҳолаш бўйича ишларни ўзаро мувофиқлаштириш;

- ж) Корпоратив бошқарув кодекси талабларига ва тавсияларига риоя қилиниши устидан назорат қилиш;
 - з) Банк Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзолари лавозимига танловни ташкил қилиш, танловни эълон қилиш тартиб-таомиллари, саралаш объектив мезонлари баён қилинган ҳолда раҳбарлик лавозимларига танлов орқали саралаш регламентини тасдиқлаш, унинг яқунлари бўйича замонавий талабларга жавоб берадиган янги, замонавий фикрлайдиган, юқори малакали раҳбарларни, шунингдек хорижий менеджерларни ёллаш;
 - и) Ички аудит департаментини ташкил қилиш, унинг ходимларини тайинлаш ва ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, ички аудиторлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш бўйича харажатлар сметасини тасдиқлаш, шунингдек йилнинг ҳар чорагида ички аудит ҳисоботларини тинглаш;
 - к) Банк Кенгаши ўз фаолият самарадорлигини таъминлаш мақсадида махсус қўмиталарни ташкил қилиши мумкин. Банк Кенгаши томонидан ташкил қилинадиган қўмиталарнинг асосий вазифаси унинг ваколатларига тегишли масалаларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш ва улар бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш, шунингдек Банк Кенгашига назорат функцияларини бажаришида қўмаклашишдан иборат.
 - л) Банк Кенгаши ҳузурида ташкил қилинган қўмиталар аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорлари бўйича тавсиялар бериш;
 - м) Йирик битимлар тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш. Банк Кенгаши томонидан йирик битим тузиш тўғрисида қарорга эришилмаган ҳолатда, йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Акциядорлар умумий йиғилишига кўриб чиқиш учун тақдим қилиниши мумкин;
 - н) маъсулияти чекланган жамият шаклида шўъба ва алоқадор хўжалик жамиятларини ташкил қилиш.
- 7.1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Банк Кенгаши ваколатларига қуйидагилар тегишлидир:
- а) Банк стратегик мақсадларини, корпоратив бошқарув сиёсатларини, шу жумладан Банк хавфларини аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва ахборот бериш, Банк капитали етарлилигини таъминлаш бўйича Банкнинг бошқа ички сиёсатларини тасдиқлаш ва улар амалга оширилишини назорат қилиш;
 - б) активларни таснифлаш асосида ташкил қилинадиган активлар бўйича эҳтимолий зарарларга қарши резервлар шакллантирилишини назорат қилиш, шунингдек Банк капитал ва умумий резервларини етарли даражада сақланишини таъминлаш;
 - в) манфаатлар тўқнашуви олдини олиш ва уни ҳал қилиш тартибини тасдиқлаш;
 - г) Банкнинг молиявий ҳолатини тиклаш режаларини тасдиқлаш;
 - д) Банк Бошқарувини назорат қилишни амалга ошириш;
 - е) қабул қилинган Банк бизнес-режаси ижросини назорат қилиш, шунингдек йилнинг ҳар чорагида Банк Бошқарувининг банк фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботини тинглаш;
 - ж) Банк Ички аудит департаменти ишини ташкил қилиш, шунингдек Банк ички аудит хизматининг йилнинг ҳар чорагидаги ҳисоботлари асосида Банк Бошқаруви томонидан Банк стратегиялари ва сиёсатларига риоя қилинишини баҳолаш;
 - з) Банк Бошқаруви аъзолари томонидан тақдим қилинган ахборот, таклифлар ва изохларни ўрганиш, муҳокама қилиш ва баҳслашиш;
 - и) йилига энг камида бир марта Акциядорлар умумий йиғилишига амалга оширилаётган назорат ва текширув фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим қилиш;

- к) олдиндан йиллик молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобдорлик тизимлари яхлитлигини таъминлаш;
 - л) Банкнинг узоқ муддатли молиявий манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда пруденциал талабларга ва Марказий банк томонидан белгиланган капиталга тегишли талабларга риоя қилинишини таъминлаш;
 - м) фаолият бошқарув тизими самарадорлиги, шу жумладан банкни бошқариш тамойиллари мониторингини ва вақти-вақти билан баҳоланишини амалга ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф қилиш учун тегишли чоралар кўриш.
- 7.1.4. Банк Кенгаши ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиниши учун Банк Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

7.2. БАНК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ, ТАЙИНЛАШ ВА УЛАР ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТДАН ОЛДИН БЕКОР ҚИЛИШ

- 7.2.1. Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш қонун ва Банк Уставида назарда тутилган тартибда Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан 3 йил муддатга амалга оширилади.
- 7.2.2. Банк Кенгашининг миқдорий таркиби 5 кишини ташкил этади. Бунда, Банк энг камида бир нафар мустақил аъзони Банк Кенгаши таркибига киритади.
- 7.2.3. Банк Кенгашининг мустақил аъзоларига қўйиладиган мезонлар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида белгиланган.
- 7.2.4. Банк Кенгашининг кўпчилик аъзолари банк билан боғлиқ шахслардан иборат бўлмаслиги керак, уларнинг Кенгашдаги аъзолиги ҳолатлари бундан мустасно.
- 7.2.5. Банк Кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган марта миқдорда қайта сайланишлари мумкин.
- 7.2.6. Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари Банк Кенгашига сайланишлари мумкин эмас.
- 7.2.7. Банк Кенгаши аъзолари шу Банкнинг ўзида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар бўлиши мумкин эмас.
- 7.2.8. Қуйидаги шахс Банк Кенгаши аъзолигига сайланиши мумкин эмас:
- а) икки ёки ундан кўпроқ банклар Кенгаши аъзоси ҳисобланган ёки бундай аъзо бўлишни мақсад қилган шахс, ушбу банклар бир банк гуруҳига тегишли бўлган ҳолатлар бундан мустасно;
 - б) Марказий банк талабига асосан ваколатлари муддатдан олдин бекор қилинган шахс.
- 7.2.9. Акциядор ёки акциядорнинг вакили бўлмаган Банк Кенгаши аъзолигига номзод қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:
- а) олий маълумотли (молия, иқтисодий ёки юридик) бўлиши;
 - б) Банк тузилиши, унинг фаолияти предметини билиши;
 - в) Банк-молия тизимида энг камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши.
- 7.2.10. Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.
- 7.2.11. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Банк Кенгашига сайланиши керак бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шундай тарзда олинган овозларни тўлиқ бир номзод учун беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.
- 7.2.12. Энг кўп сонли овозларни тўплаган номзодлар Банк Кенгаши таркибига сайланган ҳисобланадилар.
- 7.2.13. Банк Кенгашига сайланган аъзо ваколатларининг муддатидан олдин бекор қилиниши қуйидаги ҳолатларда Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан амалга оширилади:

- а) акциядор ўзгарганида;
 - б) Банк Кенгаши аъзоси томонидан ўз мажбуриятлари бузилганида;
 - в) Банк Кенгаши аъзосининг тегишли аризаси мавжуд бўлганида;
 - г) амалдаги конун ҳужжатларида ва Банк Уставида назарда тутилган бошқа асослар.
- 7.2.14. Банк Кенгаши таркибига қўшимча сайловлар тўғрисидаги масала Банк Кенгаши аъзолари ваколатларининг муддатидан олдин бекор қилиниши тўғрисида қарор қабул қилинган Акциядорлар умумий йиғилишида кўриб чиқилади.

7.3. БАНК КЕНГАШИ РАИСИ

- 7.3.1. Банк Кенгаши Раиси Банк Кенгаши таркибидан унинг аъзолари томонидан Банк Кенгаши аъзоларининг умумий сонидан кўпчилик овоз билан сайланади.
- 7.3.2. Банк Кенгаши ўз Раисини Банк Кенгаши аъзоларининг умумий сонидан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.
- 7.3.3. Банк Кенгаши Раиси бўлмаган ҳолатда, унинг функцияларини Банк Кенгаши аъзоларидан бири амалга оширади.
- 7.3.4. Банк Кенгаши Раиси:
- а) Банк Кенгаши ишини ташкил қилади;
 - б) Банк Кенгаши йиғилишларини чақиради ва ушбу йиғилишларга раислик қилади;
 - в) йиғилишларда баённома юритилишини ташкиллаштиради;
 - г) Акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади;
 - д) Банк номидан Банк Бошқаруви Раиси билан меҳнат шартномасини тузади;
 - е) Банк Кенгаши қўмиталарини ташкил қилиш, Кенгаш аъзолари номзодини қўмиталар таркибига тавсия этиш бўйича ишларни ташкиллаштиради, шунингдек қўмиталар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиради;
 - ж) Банк Устави ва конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.
- 7.3.5. Банк Кенгаши Раиси, агар Банк Кенгаши қарори билан ўзгача назарда тутилмаган бўлса, Банк Кенгаши номидан Банк Кенгаши йиғилишларида тасдиқланган ҳужжатларни имзолайди.
- 7.3.6. Банк Кенгаши Раисини белгиланган тартибда сайлашгача янги таркибда Банк Кенгаши биринчи йиғилишини чақириш олдинги таркиб Банк Кенгаши Раиси томонидан амалга оширилади. Кворум мавжуд бўлган ҳолатда, бундай йиғилиш Банк Кенгашининг янги таркиби сайланган Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган санада ўтказилиши мумкин.
- 7.3.7. Банк Кенгаши Раиси Банк Кенгаши томонидан Банк Кенгаши вазифалари ва ваколатлари доирасидаги ҳар қандай масала бўйича малакали фикрлар тузилиши учун керакли муайян билимлар соҳасидаги мутахассисларни жалб қилиш тўғрисида Банк Бошқарув Раисига топшириқлар беришга, шунингдек Банк Кенгаши йиғилишларида кўриб чиқиладиган масалалар бўйича ҳужжатлар, хулосалар ва бошқа материалларни тайёрлаш юзасидан Банк Бошқарувига топшириқлар беришга ҳақли.

7.4. БАНК КЕНГАШИ КОРПОРАТИВ КОНСУЛЬТАНТИ

- 7.4.1. Банк Кенгаши Корпоратив консультанти ўз вазифаларини доимий асосда бажаради ҳамда конун ҳужжатлари ва Банк ички ҳужжатларида белгиланган талабларнинг бошқарув органлари томонидан бажарилишини таъминлаш учун керакли малакага эга бўлиши лозим. Банк Кенгаши Корпоратив консультанти Банк Кенгаши аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан тайинланади. Банк Кенгаши Корпоратив консультантининг фаолияти Банк Кенгаши Корпоратив консультанти тўғрисидаги Низомда тартибга солинади.

7.4.2. Банк Кенгаши Корпоратив консультанти вазифаси Банк органлари ва мансабдор шахслари томонидан акциядорлар ҳуқуқлари ва манфаатлари амалга оширилишини кафолатлайдиган тартиб-таомил талабларига риоя қилинишини талаб қилишдан, шунингдек Банк Акциядорлар умумий йиғилиши, Банк Кенгаши йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишдан, Банк Кенгаши ҳужжатларини сақлашдан, Банк томонидан акциядорлар мурожаатлари кўриб чиқилиши ва Банк акциядорлари ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ низоларни ҳал қилишга кўмаклашишдан иборат.

7.4.3. Банк Кенгаши Корпоратив консультанти Банк Кенгаши ва Банк Бошқаруви ҳамда Банк Бошқаруви ҳузуридаги бошқа кўмиталар ўртасида аниқ ўзаро ҳамкорликни таъминлайди, шунингдек Банк Кенгаши аъзоларини ва Банкнинг мансабдор шахсларини корпоратив бошқарув амалиётини ривожлантиришдаги янги йўналишлар тўғрисида хабардор қилади.

7.4.4. Банк Кенгаши Корпоратив консультанти қуйидаги мажбуриятларга эга:

- а) Банк Кенгаши йиғилишлари кун тартибини тузиш;
- б) йиғилишлар баённомаларини юритиш ва тузиш;
- в) Банк Кенгашининг кириш ҳужжатлари ва чиқиш ҳужжатлари нусхалари ҳисобга олинишини юритиш ва уларни сақлаш;
- г) Банк Кенгаши аъзоларига йиғилиш ўтказилиши тўғрисида олдиндан хабар бериш;
- д) Банк Кенгаши йиғилишлари баённомаларини ва Банк Кенгаши қарорларини сақлаш;
- е) Банк Кенгаши Раисининг топшириғи бўйича бошқа функцияларни амалга оширади.

7.4.5. Банк Кенгаши Корпоратив консультанти ўз функцияларини бажарганлиги учун ҳар ой ҳақ (иш ҳақи, бошқа тўловлар ва компенсациялар) олади.

7.4.6. Банк Кенгаши Корпоратив консультантга ҳақ миқдорлари Банк Кенгаши қарорига асосан белгиланади.

7.5. БАНК КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИ

7.5.1. Банк Кенгаши йиғилиши қуйидаги ҳолатларда чақирилади:

- а) Банк Кенгаши Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига асосан ёки акциядор(лар) талабига биноан;
- б) Банк Кенгаши ҳузуридаги кўмита Раиси томонидан ва/ёки Банк Кенгаши аъзоси томонидан;
- в) Банк Бошқаруви ҳузуридаги кўмита Раиси томонидан ва/ёки Банк Бошқаруви томонидан;
- г) Ички аудит департаменти томонидан;
- д) Марказий банк тавсиясига асосан;
- е) Корпоратив консультант ташаббусига биноан (режали йиғилиш).

7.5.2. Банк Кенгаши йиғилишини ўтказиш учун Банк Кенгаши Корпоратив консультанти Банк Кенгаши йиғилишида кўриб чиқиш учун материаллар тайёрланишини ташкил қилади.

7.5.3. Банк Кенгаши йиғилиши учун материаллар шу жумладан, бироқ чекланмаган ҳолда қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- а) Банк Кенгаши ҳузуридаги кўмиталар ҳисоботлари ва/ёки таҳлилий ахбороти;
- б) Банк Бошқаруви, Банк Бошқаруви ҳузуридаги кўмиталар, Банкнинг бошқа мустақил бўлинмаларининг Банк Кенгаши йиғилиши кун тартибига киритиладиган ҳисоботлари ва/ёки таҳлилий ахбороти;
- в) Банк Кенгашининг олдинги йиғилиши баённомаси ва тавсиялари;
- г) Банк ички аудитори, халқаро рейтинг компанияларининг ҳисоботлари ва/ёки тавсиялари;

- д) Банк Кенгаши кўмиталари, Банк Бошқаруви кўмиталарининг Банк фаолияти самарадорлигини ошириш, шу жумладан инновация, шунингдек Банк ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш масалалари бўйича таклифлари;
- е) умуман Банк, унинг филиаллари ва бошқа бўлинмалари фаолият самарадорлиги тўғрисида бошқа ахборот.
- 7.5.4. Банк Кенгаши йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишда ушбу йиғилишни чақираётган шахслар қуйдагиларни белгилашлари керак:
- а) йиғилиш ўтказиладиган сана, вақти ва жойи;
 - б) йиғилиш кун тартиби;
 - в) овозга қўйилган масалаларни шакллантириш;
 - г) Банк Кенгаши аъзоларига йиғилишга тегишли тақдим қилинадиган ахборот (материаллар) рўйхати.
- 7.5.5. Банк Кенгаши йиғилиши чақирилиши тўғрисида унинг барча аъзолари йиғилиш ўтказилгунгача энг камида 3 кун олдин муддатда хабардор қилиниши керак. Йиғилиш ўтказилиши тўғрисида билдириш хати Банк Кенгаши аъзоларига улар учун ҳар қандай қулай тарзда (шу жумладан, электрон почта, мобил телеграмма ёки бошқа алоқа воситаси орқали) юборилади.
- 7.5.6. Йиғилиш ўтказилиши тўғрисида билдириш хати қуйдагиларни ўз ичига олиши керак:
- а) йиғилиш чақирилиши ташаббускорини кўрсатиш (ташаббускор исм-шарифи ёхуд талабнома тақдим қилган орган ёки юридик шахс номи);
 - б) кун тартиби масалалари;
 - в) қайд этилган масалаларни кун тартибига киритиш сабаблари;
 - г) йиғилиш ўтказиладиган сана, вақти ва жойи.
- 7.5.7. Банк Кенгаши Раиси йиғилиш чақирилиши тўғрисида талабнома қонун ҳужжатлари, Банк Устави, мазкур Низом ёки Банкнинг бошқа ички ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган ҳолатларда йиғилиш чақирилишини рад қилишга ҳақли.
- 7.5.8. Банк Кенгаши Раиси қуйдаги масалаларни ҳал қилиш учун Банк Кенгаши йиғилишини чақириши шарт:
- а) Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини чақириш ҳамда йиғилиш чақирилиши ва ўтказилиши учун керакли қарорлар қабул қилиш;
 - б) Банк йиллик ҳисоботини дастлабки тасдиқлаш;
 - в) Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритилиши ҳамда Банк бошқарув ва назорат органларига номзодлар кўрсатилиши тўғрисида акциядорлар таклифларини кўриб чиқиш ва Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритилиши, номзодларнинг эса Банк бошқарув ва назорат органларига сайловлар бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши тўғрисида ёки бундай рўйхатга киритилишини рад этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
 - г) Банк Кенгаши янги таркибини сайлаш учун Акциядорлар умумий йиғилишини чақириш;
 - д) амалдаги қонун ҳужжатлари, Банк Устави ва мазкур Низомга асосан Банк Кенгаши томонидан қарорлар қабул қилиниши учун мажбурий бошқа масалалар.
- 7.5.9. Банк Кенгаши йиғилишлари зарур ҳолларда, бироқ йилнинг ҳар чорагида энг камида бир марта ўтказилади.
- 7.5.10. Банк Кенгаши йиғилишини ўтказиш учун кворум Банк Кенгашининг сайланган аъзолари сонидан энг камида саксон фоизни ташкил қилиши керак. Банк Кенгаши аъзолари сони Банк Уставида назарда тутилган миқдорнинг саксон фоизидан камроғини

ташқил қилган ҳолатда, Банк Кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Банк Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш шарт. Банк Кенгашининг қолган аъзолари бундай Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Банк Бошқарув Раисининг ваколатлари муддатидан олдин бекор қилинган ҳолатда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақли.

7.5.11. Банк Кенгаши томонидан қарорлар қабул қилинишида унинг йиғилишда иштирок қилаётган аъзолари кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш орқали ўз фикрини билдиришлари шарт. Йиғилиш баённомаси Банк Кенгашининг йиғилишда иштирок қилаётган барча аъзолари томонидан имзоланади.

7.5.12. Банк Кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Банк Кенгаши қарори йиғилишда иштирок қилаётганлар кўпчилик овозлари билан қабул қилинади, қонун ҳужжатлари, Банк Устави ва мазкур Низомда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Овозлар тенг бўлган ҳолатда, Банк Кенгаши Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Банк Кенгашининг бир аъзоси томонидан Банк Кенгашининг бошқа аъзосига овозлар ўтказилиши мумкин эмас.

7.5.13. Банк Кенгашининг қуйидаги масалалар бўйича қарорлари бир овоздан қабул қилинади:

- а) устав фондини кўпайтириш, шунингдек Банк Уставига мувофиқ Банк Уставига тегишли ўзгаришлар киритиш;
- б) йирик битимлар тузиш;
- в) аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш;
- г) Банк томонидан акцияларга конвертация қилинадиган корпоратив облигациялар чиқарилиши.

7.5.14. Юқорида қайд этилганларга қарамай, Банк Кенгашининг қонуний ҳуқуққа эга йиғилишида иштирок қилаётган Банк Кенгаши аъзоларининг энг камида саксон фоизи томонидан маъқулланмаган ҳолда Банк Кенгаши қуйидаги қарорларни қабул қилмайди ва қуйидаги ҳаракатларни амалга оширмайди:

- а) Банк бизнес-режасини ёки бюджетини маъқуллаш ёки ўзгартириш;
- б) Ўзбекистон Республикасида стандарт банк фаолияти доирасидан ташқари бирон-бир инвестициявий, бизнес ёки савдо фаолиятида иштирок қилиш.

7.5.15. Банк Кенгаши қарорлари сиртдан овоз бериш ўтказилиши орқали Банк Кенгаши барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин. Агар қарор бутунлай ахборот берилган, ҳалол қарор қабул қилиш учун керакли ахборот ва бундай қарор қабул қилинганлигини тасдиқлаш учун керакли тегишли ҳужжатлар (агар бундай ҳужжатлар мавжуд бўлса) билан бирга ҳужжатнинг дастлабки матни шаклида Банк Кенгашининг барча аъзоларига ёки Банк Кенгаши тегишли қўмиталарининг барча аъзоларига уларнинг электрон манзилига юборилмаган бўлса, ҳеч бир қарор Банк Кенгаши ёки Банк Кенгаши қўмитаси томонидан тегишли равишда қабул қилинган деб ҳисобланмайди.

7.5.16. Қворумни ва кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш натижаларини аниқлашда, Банк Кенгаши йиғилишида иштирок қилмаётган Банк Кенгаши аъзосининг ёзма шаклдаги фикри ҳисобга олинади, бундай ёзма шаклдаги фикр Банк Кенгаши аъзосининг муҳокама қилинаётган масала бўйича нуқтан назари тўғрисида аниқ далolat берган ҳолатда (“ҳа”, “қарши”, “бетараф”). Ёзма шаклдаги фикр Банк Кенгаши аъзоси томонидан Банк Кенгаши Раисига йиғилиш ўтказилгунгача тақдим қилиниши керак. Ёзма шаклдаги фикр эркин шаклда тузилади ва йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар бўйича ҳам, алоҳида масалалар бўйича ҳам овоз берилишини ўз ичига олиши мумкин.

7.5.17. Банк Кенгаши қарорлари сиртдан овоз бериш орқали (сўровнома орқали) Банк Кенгаши барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

7.5.18. Банк Кенгаши йиғилишида таклиф этилган шахслар иштирок қилишлари мумкин. Таклиф этилган шахслар қуйидагиларга ҳақли:

- а) улар учун олдиндан белгиланган масалаларга мувофиқ, Банк Кенгаши йиғилиши кун тартибидаги масалалар бўйича сўзга чиқиш;
- б) Банк Кенгаши аъзоларининг илтимосига асосан Банк Кенгашида муҳокама қилинадиган масалалар бўйича изоҳлар бериш.

7.5.19. Таклиф этилган шахслар Банк Кенгаши йиғилиши кун тартибидаги масалалар бўйича овоз беришда иштирок қилишга ҳақли эмас.

7.5.20. Банк Кенгаши йиғилишида Банк Кенгаши Корпоратив консультанти томонидан баённома юритилади, Корпоратив консультант бўлмаган ҳолатда эса – йиғилишга раислик қилувчининг топшириғига асосан Банк Кенгаши аъзоларидан бири томонидан баённома юритилади.

7.5.21. Банк Кенгаши йиғилиши баённомаси йиғилиш ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

7.5.22. Йиғилиш баённомасида қуйидагилар кайд этилади:

- а) йиғилиш ўтказиладиган сана, вақти ва жойи;
- б) йиғилишда иштирок қилаётган шахслар;
- в) йиғилиш кун тартиби;
- г) овозга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш яқунлари;
- д) қабул қилинган қарорлар.

7.5.23. Банк Кенгаши йиғилишлари баённомаларини Банк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда сақлаши шарт. Банк акциядорларга, Банк Кенгаши аъзоларига, Банк Ички аудит департаменти Директорига Банк Кенгаши йиғилишлари баённомаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаши шарт.

7.6. БАНК КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ ҚЎМИТАЛАР

7.6.1. Банк Кенгаши ўз функцияларини самарали амалга ошириш учун қуйидаги доимий фаолият юритувчи қўмиталарни ташкил қилади:

- а) Аудит қўмитаси;
- б) Ходимларни тайинлаш ва рағбатлантириш қўмитаси;
- в) Таваккалчиликни бошқариш қўмитаси.

7.6.2. Қўмиталар таркибига фақат Банк Кенгаши аъзолари киради. Зарур ҳолларда, қўмиталар ишига муайян қўмилада ишлаш учун керакли касбий билимларга эга экспертлар жалб қилиниши мумкин.

7.6.3. Қўмита Банк Кенгаши номидан фаолият юритишга ҳақли эмас. Қўмита қарорлари тавсия хусусиятига эга.

7.6.4. Банк Кенгаши ҳар бир ташкил қилинадиган қўмита тўғрисида низомни тасдиқлайди, ушбу низомда қўмита фаолиятининг мақсадлари ва вазифалари, унинг функциялари, қўмита аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, қўмитани ташкил қилиш тартиби, қарорлар қабул қилинишига талаблар ва Банк Кенгаши олдида қўмитанинг ҳисобот бериш қоидалари белгиланади.

7.6.5. Қўмита йилнинг ҳар чорагида энг камида бир марта Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган шаклда қўмита фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни Банк Кенгашига тақдим қилиш орқали Банк Кенгашини ўз фаолияти тўғрисида хабардор қилиши шарт.

7.6.6. Қўмита Банк Кенгашига ушбу қўмита томонидан бажариладиган вазифалар амалга оширилиши тўғрисида йиллик ҳисоботни тақдим қилади.

7.7. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

7.7.1. Банк акциядорлари манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Банк Кенгаши томонидан қуйидагилар орқали амалга оширилади:

- а) Банк фаолиятини акциядорлар манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда ташкил қилиш;
- б) Акциядорлар умумий йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва улар ўтказилишини, овоз бериш тартиб-таомилини ва овозлар ҳисоблаб чиқилишини ва қарорлар қабул қилинишини назорат қилиш;
- в) Устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш, қўшимча қимматли қоғозларни чиқариш ва ҳ.к. орқали Банк устав капиталида акциядорлар улушлари ўзгарган ҳолатда, акциядорлар ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик;
- г) Банкнинг дивидендлар бўйича самарали сиёсатини ишлаб чиқиш;
- д) Банк акциядорлари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;
- е) Банк Бошқарувининг ноқонуний ва ваколатдан ташқари ҳаракатлари юзасидан акциядорлар таклифлари ва шикоятларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш.

7.7.2. Банк Кенгаши акциядорларга уларнинг инвестициялари қийматига ёки ушбу инвестициялардан даромадларига жиддий таъсир этиши мумкин бўлган ҳар қандай ахборот, шу жумладан мулк таркибидаги муҳим ўзгаришлар, акциялар назорат пакетини харид қилиш тўғрисидаги ахборот, акциядорлар режалари, бошқа банклар таркибига киритилиш, улар билан қўшилиш, ажратиш ва бирлашишлар ва бошқа ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотнинг ўз вақтида ва асосли ошкор қилинишини таъминлаш. Муҳим ахборот қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) Банк вазифалари;
- б) фаолиятнинг молиявий ва операцион натижалари;
- в) бошқарув тузилиши ва сиёсатларига тегишли муҳим масалалар;
- г) Банк Кенгаши аъзоларига ёки Банкнинг муҳим ходимларига таъсир этувчи ўзгаришлар ёки факторлар;
- д) Банк Кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш ва имтиёзлар;
- е) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар.

7.7.3. Акциядорлар учун аҳамиятли барча ахборот Банк ахборот хавфсизлик сиёсатига мувофиқ тақдим қилинади.

7.8. БАНК ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ

7.8.1. Банк Кенгаши Банк Бошқарувидан вақти-вақти билан (йилнинг ҳар чорагида бир мартадан кам бўлмаган ҳолатда) Банкнинг молиявий ҳолати ва фаолияти тўғрисида шарҳлар ва ёзма шаклдаги ҳисоботлар, шу жумладан уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар олади, шунингдек Банк Бошқарув Раиси ва Ички аудит департаменти Директорининг маърузаларини тинглайди.

7.8.2. Банк Кенгаши аъзолари қуйидагиларни ўз ичига оладиган тақдим қилинадиган ҳисоботларнинг пухта текширувини амалга оширадилар:

- а) молиявий фаолият натижалари;
- б) кредит портфелини бошқариш;
- в) ликвидлик хавфини бошқариш;
- г) фонд хавфини бошқариш;
- д) инвестициявий портфелни бошқариш;
- е) аудит ва ички назорат;
- ж) хавфсизлик;
- з) активлар сифати ва бошқаруви;

- и) Марказий банк учун мажбурий ҳисоботлар;
- к) ўзаро алоқадор шахслар билан операциялар;
- л) маркетинг;
- м) янги маҳсулотлар;
- н) ходимлар билан ишлаш масалалари;
- о) иқтисодий таҳлил.

7.8.3. Молий ҳисоботлар Банк ва бошқа рақобатчи банклар ўртасида жиддий (ижобий ва салбий) оғишларни аниқлаш учун таҳлил қилиниши керак. Банк Кенгаши аъзолари Банк Бошқарувининг прогнозлардан, шунингдек рақобатчи банклар бўйича кўрсаткичлардан жиддий оғишлар юзасидан изоҳларига эга бўлишлари керак.

7.9. КАДРЛАР СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

7.9.1. Банк Кенгаши кадрлар сиёсатини, Банк Бошқарув Раиси, аъзолари, муҳим аҳамиятга эга ходимларни лавозимларга тайинлаш учун юқори малакали раҳбарларни жалб қилиш стратегиясини, шунингдек уларга ҳақ тўлаш масалаларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

7.9.2. Кадрлар сиёсати қуйидагиларни, бироқ чекланмаган ҳолда ўз ичига олади:

- а) Банк Бошқаруви ва муҳим ходимларга ҳақ тўлаш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш тизими;
- б) ўқув дастури ва қайта ўқиш;
- в) бўш иш ўринлари юзага келган ҳолатда раҳбарлар ўрнини тўлдириш тартиби;
- г) Банк раҳбарияти ва/ёки муҳим аҳамиятга эга ходимнинг ишдан бўшатилиши мажбурий бўлган вазиятларни белгилаш.

7.9.3. Банк Кенгаши қуйидагиларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди:

- а) Банк Бошқарув аъзолари ва муҳим аҳамиятга эга ходимлар ишини баҳолаш мезонлари;
- б) Банк Бошқарув аъзолари ва/ёки муҳим аҳамиятга эга ходимлар етарлича билимга эга эмаслиги, ишга виждонсиз ёндашуви, манфаатлар тўқнашуви оқибатида ёки бошқа сабабларга кўра ўзларига юклатилган мажбуриятлардан четлаштириладиган шартлар рўйхати.

7.10. БАНКНИНГ АДЕКВАТ КАПИТАЛИЗАЦИЯСINI ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

7.10.1. Банк капиталини сақлаш ва унинг Банк операциялари кўламларига ва хавф даражасига мувофиқлигини таъминлаш мақсадларида Банк Кенгаши:

- а) Марказий банк томонидан белгиланган миқдорларда Банк томонидан эҳтимолий йўқотишларга қарши махсус резервлар ташкил қилиниши устидан назоратни амалга оширади;
- б) Банк Бошқарувидан Марказий банк томонидан белгиланганидан юқори бўлмаган Банк хавфлари даражаси таъминланишини талаб қилади;
- в) Банк акцияларини жойлаштириш бўйича чоралар кўради;
- г) Банкнинг капитал ва умумий резервлари етарлича даражада сақланишини таъминлайди.

7.11. БАНКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БИЗНЕС-РЕЖАСINI ТУЗИШ ВА БАЖАРИШ

7.11.1. Банк Кенгаши навбатдаги молия йили учун қуйидагиларни ўз ичига оладиган бизнес-режани ишлаб чиқишда фаол иштирок қилади:

- а) кредитлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш сиёсати;
- б) кредитларни назорат қилиш тартиб-таомили;
- в) активлар ва пасивларни бошқариш тизими;
- г) инвестициялаш тартиби;
- д) сармоя мослигини таъминлаш;
- е) самарадорлик рақобатли кўрсаткичларини ва акциядорлар томонидан сарфланган сармоя учун жазибадор даромадлиликни таъминлаш.

7.11.2. Банк Кенгаши бошқарув қарорларини қабул қилишда Банк Бошқаруви билан ўзаро самарали ҳамкорлик орқали Банк бизнес-режаси амалга оширилишини таъминлайди.

7.11.3. Банкни ривожлантириш бизнес-режаси заруриятга қараб, одатда, энг камида йилига бир марта керакли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш мақсадида қайта кўриб чиқилади.

8. САҚЛАШ

8.1. Мазкур Кенгаш тўғрисидаги Низомнинг асл нусхаси Банк Юридик департаменти Методология бўлимида ПК № 09-ракам билан сақланади. PDF форматидаги электрон нусхаси фойдаланиш учун умумий серверда сақланади. Мазкур Низомнинг DOCX форматидаги электрон нусхаси келгусида ўзгаришлар киритиш учун ҳужжат ишлаб чиқувчида ва Юридик департамент Методология бўлимида сақланади.

9. ХУЛОСА

9.1. Мазкур Кенгаш тўғрисидаги Низом Банк Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган пайтдан эътиборан қучга киради.

9.2. Мазкур Низом тасдиқланган пайтдан эътиборан Банк Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган (2019 йил 25 июндаги 09-сон билан рўйхатдан ўтказилган; 2019 йил 25 июндаги 48-сонли Баённома) «InFinBank» АТБ Кенгаши тўғрисида Низом, унга барча ўзгаришлар ва қўшимчалар ўз кучини йўқотади.

9.3. Агар мазкур Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва/ёки Банк Уставига зид келса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар юзасидан, мазкур Низомга тегишли ўзгаришлар киритиладиган пайтгача Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва Банк Устави нормаларига амал қилиниши керак.

10. ТАРҚАТИШ

Бўлинмалар бўйича ҳужжатларни тарқатиш рўйхати		Тўлдирилган сана:	
		“28” июн 2022 йил	
ПК № 09	4-сон тахрир	Амалга киритилган сана: “28” июн 2022 йил	
Тарқатиладиган ҳужжатнинг номи		АТБ «INFINBANK» КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ	
т/р	Ҳужжат тарқатиладиган бўлинма номи/ мансабдор шахснинг исм-шарифи		
1			
2			
3			
4			
5			
6			
7			
8			
9			
10			
Ишлаб чиқувчи имзоси		Методология бўлими бошлиғи	

11. ТАНИШИБ ЧИҚҚАНЛИКНИ КАЙД ЭТИШ ВАРАҒИ

[illegible]

КЕЛИШИЛГАН:

З.С. Абдуллаев

Ф.И.Ш.

« » 2022 й.

С.Х. Хасанов

Ф.И.Ш.

« » 2022 й.

Б.Х. Нуъмонов

Ф.И.Ш.

« » 2022 й.

Ш.Н. Махмудов

Ф.И.Ш.

« » 2022 й.

А.У. Режаматов

Ф.И.Ш.

« » 2022 й.

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Корпоратив консультант

Лавозими

Ш.Ш. Мухаммедов

Ф.И.Ш.

Имзо

Сана « » 2022 й.

Хужжатнинг амал қилиш муддати :

2022 йил 28.06 дан 2027 йил 27.06 гача .

Узайтирилган: 20 __ йил __ __ гача.

Хужжат нусхаси рақами: ____

Тарқатилган сана: " " 2022 й.

(хужжатни тарқатишда хужжатни бошқариш учун
масъул шахснинг асл имзоси)

ЮРИДИК ХУЛОСА

Юридик департамент томонидан “Банк Кенгаши тўғрисида Низом” лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси ўтказилди.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ушбу лойиҳа “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида Низом” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 05.04.2000 йилда 916-сон билан рўйхатга олинган) нинг талабларига жавоб беради.

Юридик департамент
директори в.б.



Ж.М. Атамирзаев